

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2025, № 4 (10)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2025

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхужаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобоқулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари номзоди, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Сиддиқов Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Баҳранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиазарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Акрамова Фазилят Артикбаевна ПРОМЫШЛЕННЫЕ КАДРЫ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ В СОВЕТСКИЙ ПЕРИОД: СТАНОВЛЕНИЕ И ОСОБЕННОСТИ ПОДГОТОВКИ	7
2. Karimjonov Jasurbek Muxtorjonovich O‘ZBEKISTONDA TARIXIY SHAXSLAR NOMIDAGI MUKOFOTLAR TA‘SIS ETILISHI: TAQDIRLASH JARAYONLARI	16
3. Кобзева Ольга Петровна АКАДЕМИК Э. В. РТВЕЛАДЗЕ - ЖИЗНЬ, ОТДАННАЯ НАУКЕ	25
4. Ктайбеков Саламат Маманович ВОЗРОЖДЕНИЕ ВЕЛИКОГО ШЕЛКОВОГО ПУТИ И НОВЫЙ ЭТАП ВО ВЗАИМООТНОШЕНИЯХ УЗБЕКИСТАНА И ЯПОНИИ	34
5. Mamatqulov Bekzod Sherozovich O‘ZBEKISTON JANUBIY VILOYATLARIDA SANOAT TARMOQLARINING RIVOJLANISHI: TARIXIY TAJRIBA VA NATIJALAR (1925-1991 YILLAR)	45
6. Маматова Махфуза Бахриддиновна ТОРГОВЛЯ ИНДИЙСКИХ ЧАЕВ В СРЕДНЕЙ АЗИИ (ВТОРАЯ ПОЛОВИНА XIX - НАЧАЛА XX ВЕКА)	54
7. Mirzayev Komiljon Mamirjonovich O‘RTA OSIYO ARXELOGIYASI KAFEDRASINING PAYDO BO‘LISHI ZARURIYATLARI	61
8. Мусаев Нуриддин Умирзакович РОССИЯ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИККА ЭЪТИБОРНИНГ КУЧАЙТИРИЛИШИ	69
9. Муминов Алишер Гаффарович., Эрназаров Шермухаммед Эшбекович ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХЧИЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ	83
10. Muxamedov Yoqubjon Qodirovich G‘ARBIY TURK XOQONLIGI VA ERON SOSONIYLARI O‘RTASIDAGI DIPLOMATIK MUNOSABATLAR	91
11. Нарбеков Абдикамил Вафаевич НАСЕЛЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА В ПЕРИОД НАЦИОНАЛЬНО-ТЕРРИТОРИАЛЬНОГО РАЗМЕЖЕВАНИЯ В СРЕДНЕЙ АЗИИ	102
12. Назаров Хумоюн Алишерович., Одилова Нилюфар Зоиржон кизи РЕЛИГИОЗНЫЕ ВЕРОВАНИЯ В СЕВЕРНОЙ БАКТРИИ В ПЕРИОД ПРАВЛЕНИЯ КУШАН	116

13. Normurodov Dilmurod Rashidovich IX–XII-ASRLARDAGI TOSHKENT VOHASI (SHOSH-ILOQ)NING SHISHASOZLIGI	132
14. Olimjonov Xabibjon Abduxalim o‘g‘li TURKISTON ASSRDA KUTUBXONA ISHINI TASHKIL ETISH BORASIDAGI CHORA-TADBIRLAR	147
15. Ochildiyev Fayzulla Bobokulovich O‘RTA OSIYO TEMIR YO‘LINING BUXORO AMIRLIGIGA KIRIB KELISHI VA TEMIR YO‘L BEKATLARINING FAOLIYATI	155
16. Rahmonqulova Zumrad Boyhurozovna O‘RTA OSIYO XONLIKLARI VA USMONIYLAR DAVLATI O‘RTASIDAGI IQTISODIY ALOQALAR TARIXIDAN	168
17. Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич ВКЛАД ВЫПУСКНИКОВ КАФЕДРЫ АРХЕОЛОГИИ В ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ КУЛЬТУРЫ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ	178
18. Саипова Камола Давляталиевна УПРАВЛЕНИЕ В ТУРКЕСТАНСКОЙ АСС В ПЕРВЫЕ ГОДЫ СТАНОВЛЕНИЯ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ	184
19. Сиддигов Равшан Бердимуратович ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР	189
20. Tog‘ayev Jasur Erkinovich QADIMGI DAVR ME‘MORCHILIGI TARIXIY REKONSTRUKSIYASIGA DOIR (JANUBIY O‘ZBEKISTON MISOLIDA)	206
21. Тўхтабоева Дилафрўз Эргашевна ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШИ	214
22. Ubaydullayev Ikromjon Farxod o‘g‘li O‘ZBEKISTON HUDUDIDAGI ANTIK DAVLATLARNING TARIXIY UZVIYLIGI VA RIVOJLANISH JARAYONLARI	219
23. Usarov Umidjon Abdimavlyanovich XIX ASRNING 60–70-YILLARIDA ROSSIYA IMPERIYASINING TURKISTON O‘LKASIDAGI YER EGALIGI VA MULKCHILIK MUNOSABATLARIGA OID SIYOSATI (Rasmiy amaldorlari va ishchi kommissiya vakillarining faoliyati misolida)	232
24. Холикулова Шахноза Баймахаматовна ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛК КИМЁ КОРХОНАСИ ТАРИХИ	242
25. Холикулов Ахмад Баймахаматович ВОҲАСИ БЕКЛИКЛАРИНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИ СИЁСИЙ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ (XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСРНИНГ БОШЛАРИ)	252

26. Худойкуов Урал Каримович ЖАҲОН ОЗИҚ- ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ УСТУВОРЛИГИ ВА РИМ ДЕКЛАРАЦИЯСИ	260
27. Юнусова Хуршида Эркиновна ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ (XX АСР 70-80 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)	268

Юнусова Х. Э.

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси профессори, т.ф.д.

Ўзбекистон Миллий университети

Yunusovanuuz@mail.ru**ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ
(XX АСР 70-80 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)****АННОТАЦИЯ**

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги нафақат республика балки совет мамлакати халқ хўжалигида ҳам катта ўринга бўлган. Ўзбекистон ССР мамлакатнинг асосий пахта базаси эканлиги билан бирга хўл мева, узум, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирган. Бироқ, совет давлати халқ хўжалиги камомадлар, давлат мулкани талон-тарож қилиш, қўшиб ёзиш каби иллатлардан иборат бўлди. Бу каби иллатлар Ўзбекистон ССРдан бошқа ҳудудларда ҳам бўлган ва бу мақолада бирламчи манбалар асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: хўл мева, социалистик мулкчилик, талон-тарож, жавобгарлик, маҳаллий хом ашё, саноат чиқиндилари, ёрдамчи цех, қурилиш мате-риаллари, буёқчилик, улгуржи дўкон, қоп, сочик, сунъий мато, ёрдамчи хўжа-ликлар, камомад, қўшиб ёзиш, комиссия, ревизия, овқатланиш шаҳобчалари, бухгалтерлик ҳисоб-китоби, қарздорлик, масъулиятсизлик, интизом.

КИРИШ

Асрлар бўйи давом этиб келаётган халқ селекцияси туфайли Ўзбекистонда қанд моддаси жуда кўп бўлган, нави, мазаси, тузилиши ва ранги ҳар хил бўлган турли-туман мевалар ва узумлар етиштирилган. Ўзбекистон учун хос бўлган мевалар –ўрик, қуришиб майиз қилинадиган ва хўл ейиладиган узум, анор, шафтоли, анжир, ёнғоқ, бодом, pista ва бошқалар экинлар кўп экилган. XX асрнинг 70 йилларига келганда ҳам Ўзбекистон ССРнинг боғдорчилигида асосий ўрин тутадиган боғлар данакли мева берадиган боғлар, асосан ўрикзорлар боғлар бўлиб, улар республикадаги деярли барча боғларнинг қарийб ярмини ташкил қилган. Пахтачилик, ипакчилик, қорақўлчилик, узумчилик ва боғдорлик Ўзбекистон халқ хўжалигининг ихтиссосини белгиловчи тармоқлар бўлиб, республика қишлоқ хўжалигида етиштириладиган бутун ялпи маҳсулотнинг 70 фоизини ташкил этган.

Биргина пахта халқ хўжалигида темир рудаси, кўмир ва ғалла билан тенг аҳамиятга эга бўлиб, пахтанинг совет давлати манфаатларига хизмат қиладиган маҳсулотлар ҳамда халқ истеъмол молари ишлаб чиқаришда аҳамияти катта бўлган. Пахтадан кийим – кечаклар, мой, совун, целлюлоза, сунъий ипак, гиламлар, кигизлар, арконлар, иплар, кўрпалик пахта, одеяллар ва қоғоз ишланган. Пахта линтидан целлюлоза ишланса, целлюлозадан сунъий ипак олинган, сунъий ипакдан эса турли гиламлар, трикотаж пайпоқлар ва бошқа буюмлар тайёрланган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

СССР қишлоқ хўжалиги ялпи ички маҳсулот ва миллий даромадда мамлакатда саноат ишлаб чиқаришдан сўз иккинчи ўринда турган. Мамлакатда буғдой, жавдар, арпа, картошка, қанд лавлаги, кунгабоқар, пахта, сут етиштириш бўйича биринчи ўринда, қорамол етиштириш иккинчи ўринда, буғдойни ўриб олиш учинчи ўринни эгаллаган. Лекин совет ҳукумати қабул қилаётган қарорлар ва белгиланган вазифалар шунчалик чалкаш эдики, улар баландпарвоз сўзлардан ва имкони йўқ вазифаларни белгилашдан иборат бўлди. Белгиланган вазифаларни қандай қилиб бажариш, унинг оқибатлари қандай бўлади, маблағ етишмовчилиги, кадрларнинг масъулиятсизлиги каби масалалар мунтазам эътибордан четда қолди. Ривожланган давлатлардан ўтиб кетиш, саноатни ривожлантириш каби хом ҳаёллар, ер ости ва ер усти бойликларни имкон даража ўзлаштириб, халқ хўжалигига сафарбар этиш ғояси бутун мамлакатни қамраб олди. Шу мақсадда кетма - кет қарор, фармойишлар чиқди. Бироқ, мамлакат қишлоқ хўжалиги шу қадар таназзулга кириб бордики, мавжуд колхоз ва совхозлар умуман фойда олмай қўйди. Халқ хўжалигида режаларни бажариш фақат қўшиб ёзишлар, порахўрлик, ижтимоий - иқтисодий ривожланишдаги ёлғон ҳисоботлар билан тўлиб, мулкни сақланиши, камомад, нобудгарчилик, майда ўғриликлар мунтазам давом этди. Қишлоқ хўжалигидаги муаммолар қабул қилинган турли қарорларга қарамай оқсаб, белгиланган режалар бажарилмай қолаверди.

Масалан, 1980 йилларнинг бошига келиб СССР Ички ишлар органлари томонидан колхоз ва совхозларда жуда катта ўғриликлар ва қонун бузишлар содир бўлганлиги аниқланган. Булар асосан мамлакатнинг Брянск, Владимир, Горький, Калинин, Псков областларида кўпроқ содир бўлган.

Кўпгина ёрдамчи хўжаликлар жиддий камчиликларга йўл қўйган, яъни колхоз ва совхозлардаги ёрдамчи хўжаликлар қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмади. Владимир областида 1982 йил 1 июль ҳолатидага 20 та хўжалик полиэтилен пакетларини, 11 та хўжалик бўёқчиликда ишлатиладиган

қўлқопларни, 6 таси лаборатория шиша идишларини, 22 таси электр яшиқлари, пружиналар, ўрайдиган темир сеткалар, кабель тугаткичлари ва бошқа метал маҳсулотларини ишлаб чиқарганлар. Бу маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун Москва ва Москва области фуқаролари жалб қилинган. Прокуратурани маълумотларига “бу шахслар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда иштирок эта олмасликларини билдирган”. Масалан, Киров районининг “Ленин учқуни” колхозида 190 нафар колхозчи бўлган бўлса, у ердаги лаборатория шишалари ишлаб чиқарадиган цехда колхозчилардан 2 нафари ишлаган, қолган 63 нафари ташқаридан келган ишчилар бўлган.

Актюбинск область Актюбинск район “Хлебодаровский” совхозига Грузия ССРдан келган Ананишвили чўчқаларни семиртарадиган озуқа сифатида саримсоқ пастасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Чечен-Ингушетиядан ва мамлакатнинг бошқа минтақаларидан саримсоқ сотиб олиб, уни сотиб, яна қайта сотиб олиб, ўзларига даромад ортирганлар. Натижада совхозга 100 рубль камомад келтирган ва Ананишвили қочиб кетади[1].

1983 йил 16 августда КПСС МҚ ва СССР Министрлар Совети СССР Ички ишлар министрлиги билан келишган ҳолда СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Мева - сабзавот министрлиги, иттифокдош ва автоном республикалар, область ижроия комитетлар билан биргаликда текширув ишларини олиб бориш вазифаларини топширди. Шу ўринда такидлаш лозимки, совет давлати халқ хўжалигига эркин бозор муносабатлари, хусусий тажбиркорлик, кичик бизнес деган қарашлар бегона бўлган. Айни пайтда қуйидаги келтириладиган мисоллар тадбиркорлик кўринишлари билан боғлиқ бўлган, бироқ, давлат мулкани ўзлаштириш, яширин бизнес йўли билан амалга оширилди. 1983 йил СССР Министрлар Совети тайёрланган маълумотномада кўрсатилишича, Владимир областида ёрдамчи хўжаликлар маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги учун қурилиш материаллари ўрнига соҳага тааллуқли бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарганлар. Масалан, 96 та ишлаб турган цехлар полиэтилен пакетлари, метал сеткалари, бўёқчилик қўлқоплари, чинни идишлар ишлаб чиқарган. Москва областида бундай цехлар 115 та, Ленинград областида 57 та бўлган. Москва областининг Дедовский, Подольск саноат комбинатларида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўёқчиликда ишлатиладиган қўлқоплар Горький областида “Прогресс” колхозида ишлаб чиқарилган. Бу маҳсулотлар табиийки тадбиркорлик кўринишларига ўхшасада, лекин маҳсулотлардан келадиган даромадлар яширин равишда Россия Федерациясининг турли ҳудудларига, Украина ССР, Белоруссия ССРда оширилган нархларда

сотилган. Ҳатто, бажарилган ишлар ҳажмини, маошни ошириб кўрсатилиши натижасида цех ташкилотлачилари 40 минг рубль ўзлаштирганлар[2]. Кўп ҳолларда цех бошлиқлари маошни кам тўлаш мақсадида меҳнат дафтарчаси очмаган ҳолда маҳаллий аҳоли ўрнига ишчиларни ташқаридан таклиф қилганлар. Чернигов район “К.Маркс” номли колхоз раиси Москва области ва Москва шаҳридан 138 нафар ишчини ёллаган цех ишлаган бўлиб, уларни солиқдан озод қилиш учун барча ишчилар артелга аъзо қилиб қўйилган[3].

Маҳсулот ишлаб чиқармайдиган цехлар ҳам бўлган. Улар тайёр маҳсулотларни улгуржи дўконлардан сотиб олиб, яна қайта сотганлар. Владимир областидаги “Моторский” совхозидан очилган цех 1982 йил март ойида 10,9 минг рублга 16 минг дона қўлқоп сотиб олиб, оширилган нархда сотиб 40 минг рубль даромад кўрган. Сентябрь ойида бўлса мана шу цех савдо ташкилотларидан 100 минг рубллик турли маҳсулотлар сотиб олган[4]. Владимир областининг Киржач райони “Янги қишлоқ” колхозидан, Селиван район “Октябрга 10 йил” номли колхозлар номидан Н. Ромов Москва типогра-фияларидан 13,5 млн. этикетга сотиб олган. Н.Ромовга жиноят иши очилган[5].

Владимир областида ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатида автомобиль покривалари, коплар, сочиқлар, сунъий матолар ва бошқа маҳсулотларни сотиб олганлар. Масалан, Владимир областининг Петушинск райони “Олға” колхозидан 1981-1982 йиллар давомида кичик улгуржи дўкон хусусан, “Владимирснабсбита”дан 44,5 минг рубллик 599 автомобиллар покривали сотиб олиб, цехларда у материаллардан ишчи қўлқоплар тикканлар ва “Владимирснабсбит”нинг ўзига 160 минг рублга сотганлар[6]. Владимир областининг Вязниковский райони “Коммунизм учқуни” номли колхоз 19,9 минг рубллик ишчилар ишлатадиган қўлқоп сотиб олган ва бошқа ташкилотларга 3-4 барабар қиммат нархга сотганлар[7]. Кўпгина цехлар сохта маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарганлар. Краснодар ўлкасининг Висельковский районида Ю. Геберладзе ўз цехида 500 тонна сохта шарбат ишлаб чиқарган. Уни сотишдан 1981 йилда 85,2 минг рубль даромад кўрган. Бундай ҳолатлар Грузия ССРда, Кабардино – Балкария АССРда, Калининград областида ҳам бўлган[8].

Юқоридаги маълумотлардан кўрса бўладики, қўшиб ёзиш, давлат мулкини талон -тарож қилиш каби иллатлар фақат Ўзбекистонга хос эмас эди. Лекин, ўша вақтларда мамлакат иқтисодий инқирозининг асосий сабаблари билмаган ва унинг айнан режалаштириш ва маъмурий – буйруқбозлик тизими билан боғлиқ эканлигини англамаган ҳолда Ўзбекистон ССР айбдор қилиб кўрсатилди. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигининг мамлакат халқ хўжалигидаги ўрни катта бўлсада, бироқ у

жуда кўп муаммолар билан тўлиб тошди. Тўғри кўшиб ёзиш, давлат мулкани талон - тарож қилиш ҳолатлари Ўзбекистонда ҳам бўлди. Масалан, 1968 йил 27 мартда КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг “Партия ташкилотларида социалистик мулкчиликни сақлаш, ўғрилиқ ва талон-тарожни олдини олишни кучайтириш ҳақида”ги қарори чиқгач, 1969 йил 29 майда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг “Социалистик мулкни асрашнинг кўшимча чора - тадбирлари ҳақида”ги ҳамда ҳамда 1970 йил 27 ноябрдаги “Колхозлар моддий маблағ ва қиммат материаллардан фойдаланиш ва сақлашдаги жиддий камчиликлар тўғрисида”ги[9] қарорлари чиқди. Уларда ҳам белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида давлат мулкани талон - тарож қилинишига қарши курашувчи комиссия тузилди. Қашқадарё вилоятида тузилган комиссия вилоят районларида ўтказган текширувида Қашқадарё вилояти Шахрисабз райони “Қизил - Юлдуз” колхозини юқоридаги қарорларни бажарилиши бўйича ревизия комиссияси раиси Р. Эргашев бухгалтерлик ҳисоб-китобини билмайдиган агроном мутахассислиги бўйича ўрта махсус дипломга эга бўлган. Област бошқармаси томонидан текширилганда 3.1 минг рубл сарф-харажат қилиб ташланган бўлса, Р.Эргашев бу камчиликни бирортасини аниқлай олмаганлиги аниқланган[10]. Китоб район “В Ленин” номли колхозда ревизия комиссиясининг раиси К.Эгамбердиев умумий ўта маъсус дипломга эга бўлиб, ўзи ўтказган ревизияда камомадни аниқлай олмайди, область комиссияси текширилганда эса 12,5 минг рубль сарф – харажат қилиб юборганлиги аниқланади.

Областнинг Шахрисабз районидаги “Коммунизм”, “Киров номли” колхозлари, Яккабоғ районининг “Қизил Юлдуз”, “Марксизм”, “Правда” колхозлари, Китоб районининг “В.Ленин” номли, “Энгельс” номли, “XXII партсъезд” номли колхозларда бирор мартаба ҳам ревизия ишлари ўтказилмаган. Косонсой районидаги 9 та 108,3 минг рубллик биноларда жойлашган дў-конлар, овқатланиш шаҳобчалари ва б.лар “В.Ленин” номли, “Энгельс” номли, “XXII партсъезд” номли колхозларга қарашли бўлиб, бирортаси билан бино учун аренда шартномаси имзоланмаган[11]. Шахрисабз районидаги “Гулистон” колхозини, Китоб районидаги “Свердлов” ва “Ленин” номли колхозларда келган меҳмонларни кутиб олиш учун 4369 рубл. ишлатилган.

Умуман, колхоз ва совхозлар текширилган вақтда айрим колхозларда бухгалтерлик ҳисоб - китоблари қилинмаган, пахтани териб олиш бўйича кундалик юритилмаган, раҳбарлар томонидан камомадларга йўл қўйилган. Масалан, Яккабоғ район “Правда” колхозини 1971 йил 1 октябрь ҳолатига 14 нафар кишида 22,5 минг сўм, колхоз меҳмонхонаси раҳбари Рўзимуротовда

3544 руб, собиқ кассир Қосимов ҳисобида 5353 рубль, Косонсой район “Ленин” номидаги колхоз тўрт нафар ходими ҳисобида 12,8 минг рубль, ферма бошлиғи Т.Тоштемиров ҳисобида 11042 минг рубль, қорамол сотиб олиш учун омборхона бошлиғи А.Байлиев ҳисобида 742 рубль қарздорлик бўлган. Шахрисабз район “Киров” номи колхозда 15 нафар кишининг бўйнида пахта терувчилар учун берилган 115 минг рубль қарздорлик бўлган. Жвумладан, ревизия комиссиясининг раиси Б.Раззоқовда 8273 минг рубль, бухгалтер ёрдамчиси Авлоқулов бўйнида 13843 рубль, Авли Назаровда 14012 рубль, агроном Халилов бўйнида 8131 рубль қарздорлик бўлган[12].

Умуман, вилоят бўйича ундириб олинмаган қарздорлик 1971 йил 1 октябрь ҳолатига 457 минг рублни ташкил этган[13]. Област қишлоқ хўжалик ревизия комиссиянинг маълумотларига кўра умуман давлат мулкани талон -тарок қилиш ҳолатлари қуйидагича бўлган. Китоб райони “Ленин” номи колхоз 12,5 минг рубль, “К.Маркс” номи колхоз 4,1 минг рубль, “ХХ партсъезд” номи колхоз 2,1 минг рубль, “Улуғбек” номи колхоз 2,8 минг рубль, Яккабоғ районининг “Правда” колхозида 15,4 минг рубль, “Марксизм” колхозида 5,8 минг рубль, “Қизил Юлдуз” колхозида 3,2 минг рубль, Косон районидаги “Энгельс” номи колхозда 5,1 минг рубль, “ХХII партсъезд” номи колхозда 5,1 минг рубль, Шахрисабз район “Коммунизм” колхозида 5,3 минг рублни ташкил этган[14]. Натижада 1973 йилга келиб бир қатор иқтисодий жиҳатдан оқсаган колхоз ва совхозлар бир қатор давлат ташкилотлар ва Госбанкдан 97,3 млн. рубллик қарз бўлдилар[15].

Юқоридаги ҳолатларни 1980 йилларда амалга оширилган “пахта иши” қатағонлари билан боғламасликни иложи йўқ. Маълумки, бу қатағоналар халқ хўжалигидаги қўшиб ёзиш, давлат мулкани талон-тарож қилиш баҳоналари билан бошланган эди. Лекин, бу ҳол айнан Ўзбекистонга хос бўлмади. Бутун мамлакатда бўлган жараёнлар эди. СССР ФА олимлари ўтказган ҳисоб-китобларга кўра, қўшиб ёзишлар бутун мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 3 фоизига тенг бўлган. Хомашё етказиш соҳаларида эса, қўшиб ёзишлар 5 фоиздан 25 фоизгача бўлган[16]. Мамлакат иқтисодиётидаги ҳолатлар бошқа иттифоқдош республикаларда ҳам кўзга ташланади. Масалан, 1977 йилда Белоруссия ССРда қўшиб ёзишга йўл қўйилганлиги учун 1075 киши жиноий жавобгарликка тортилган. Тожикистон ССРнинг Ленинобод вилоятидаги қурилиш ташкилотларида 1983 - 1984 йилларда 700 минг рубллик қўшиб ёзишга йўл қўйилганлиги аниқланган. Озарбайжон ССРда эса 1983 йилнинг ўзида 667 саноат корхонаси ва қурилиш ташкилотларида қўшиб ёзишга йўл қўйилган. Молдавияда эса қўшиб ёзишлар ниҳоятда авж олган бўлса-да, кишилар тобора кўпроқ мансаб курсиларини эгаллаб борганлар[17]. Бироқ, мамлакат ижтимоий - иқтисодий

ва сиёсий ҳаётидаги барча салбий иллатларнинг туб моҳияти таҳлил этилмаган ва очиб берилмаган. Аксинча, уларга айрим олиб қаралган маҳаллий кадрларнинг фаолияти билан боғлиқ тарзда миллий, минтақавий воқелик сифатидагина баҳо берилди. Мазкур ҳолатлар мансабни суистеъмол қилиш, порахўрлик, қўшиб ёзишлар авж олишига олиб келган асосий омиллардан бири деб қаралди[18].

Ўзбекистон ССР “пахта иши” бўйича тергов ишларини олиб борган Т.Гдлян гуруҳи қўшиб ёзиш каби иллатларни фақат Ўзбекистон ССР билан боғлади. Ҳатто, 1988 йил 28 апрелда СССР Бош Прокуратурасида жиноятчиликка қарши курашга бағишланган учрашув бўлиб, унда Ўзбекистонда иш олиб борган тергов гуруҳининг фаолияти ҳақида ҳам маълумотлар берилди. Шу учрашувдан икки ой ўтгач, Москвада “жиноятчилардан тортиб олинган” бойликларнинг кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Кўргазмадан сўнг ўз “ғалабаларидан” мағрурланган Гдлян шундай деган эди: “Аминманки, бизга жуда қаттиқ қаршилиқ кўрсатилмаганида, бундан ҳам кўпроқ бойликларни тортиб олишимиз мумкин бўлур эди”[19]. Гдлян гуруҳининг тарафдорлари, хусусан Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирининг ўринбосари генерал Дидоренко матбуотда эълон қилган мақоласида, Ўзбекистонда 160 дан ортиқ яширин миллионер мавжудлиги ва бир ярим мингдан ортиқ яширин бизнес эгалари борлигини таъкидлаш билан бирга, “ўзбеклар ишини Ғарб мафиясига солиштирганда ҳам умумий томонларимиз кўп экан”[20], - дея ғайритабиий, сохта ҳулоса ясаган эди.

Ўзбекистон ССР КП МҚ пленумларида эса давлатнинг режалаштириш, меҳнат интизомини яхшилаш ҳақидаги топшириқлари бажарилмаганлиги, социалистик мулкни талон - тарож қилиш ҳолатлари ҳамон давом этаётганлиги, маҳсулотлар сифатсизлиги ва қурилиш ишларини талабга жавоб бермаганлиги алоҳида таъкидланарди. Бироқ, кўпгина ташкилотлар, бирлаш-малар раҳбарлари ўз вазифалари нималардан иборат эканлигини англаб ҳам етмаганлар. Ўз ишларига масъулиятсизлик билан қарашлари оқибатида интизом масаласи ҳам пасайиб бораверган. Берилган топшириқларни ҳам англаб етмаганлар. Масалан, 1986 йилда Ўз ССР Госагропром ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан берилган топшириқ ва фармойишлар белгиланган 432 та ҳужжатдан 91 таси ўз вақтида бажарилганлиги ҳақида ҳисобот ҳам топшира олмаганлар[21]. Айни пайтда ишдан қодирадиган ва топшириқларни бажариш бўйича ҳисоботлар топшириб бориш ҳам кучли бўлган. Ваҳоанки, қишлоқ хўжалиги ходимларининг бошқа вазифалари бўлган ҳолда раҳбарлар ҳисобот ёзиш ва юқоридан келган топшириқларни бажариб қолиш билан овора бўлиб қолганлар. Масалан, 1980 - 1983 йиллар давомида Наманган вилоятидаги

Норин, Задарё, Учқўрғон туман партия қўмиталари хўжалик ишларига оид 320 тагача қарор қабул қилган. Янги-қўрғон туманидаги К. Маркс номи колхоз маъмурияти юқори партия таш-килотларидан уч йил ичида 234 та, “Заркент” совхози эса 244 та топшириқ олган. Умуман, “Заркент” совхоз раҳбарлари фақатгина уч йил ичида юқори ташкилотлардан 1268 кўрсатма олган[22]. Натижада, хўжалик ва корхона бошлиқлари маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб ишлаш имконидан маҳрум бўлиб қолдилар. Режаларни бажаришдаги қўшиб ёзишларнинг авж олиши юқоридан берилган нореал топшириқлар, режа кетидан қувишларнинг натижаси эди.

ХУЛОСА

Табиийки, бу ҳолатлар ҳалқ хўжалигини совет маъмурий - буйруқбозлик моделини янада кучайиб боришига имкон берди. Қўшиб ёзиш, ўғрилиқ, порахўрлик кенг қулоқ ёйиб, кадрлар муайян қисмининг айниши ва бузилишига олиб келди, 1970-1980 йилларда ижтимоий – иқтисодий ривожланишдаги сустратлар ҳақида атайлаб сукут сақланиб, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик йўли билан атайлаб бузиб кўрсатилди. Қишлоқ хўжалигидаги муаммолар қабул қилинган турли қарорларга қарамай оқсаб, белгиланган режалар бажарилмай қолаверди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўз МА. Р-837, рўйхат – 41, йиғма жилд – 6158, - 126 varaқ.
2. Ўз МА. Р-837, рўйхат – 41, йиғма жилд – 6158, - 110 varaқ.
3. Ўз МА. Р-837, рўйхат – 41, йиғма жилд – 6158, - 110 varaқ.
4. Ўз МА. Р-837, рўйхат – 41, йиғма жилд – 6158, - 110 varaқ.
5. Ўз МА. Р-837, рўйхат – 41, йиғма жилд – 6158, - 125 varaқ.
6. Ўз МА. Р-837, рўйхат – 41, йиғма жилд – 6158, - 125 varaқ.
7. Ўз МА. Р-837, рўйхат – 41, йиғма жилд – 6158, - 125 varaқ.
8. Ўз МА. Р-837, рўйхат – 41, йиғма жилд – 6158, - 110 varaқ.
9. Ўз МА Р-90, рўйхат -10, йиғма жилд – 4453, - 218 varaқ.
10. Ўз МА Р-90, рўйхат -10, йиғма жилд – 4453, - 218 varaқ.
11. Ўз МА Р-90, рўйхат -10, йиғма жилд – 4453, - 219 varaқ.
12. Ўз МА Р-90, рўйхат -10, йиғма жилд – 4453, - 222 varaқ.
13. Ўз МА Р-90, рўйхат -10, йиғма жилд – 4453, - 220 varaқ.
14. Ўз МА Р-90, рўйхат -10, йиғма жилд – 4453, - 222 varaқ.
15. Ўз МА Р- 2848, рўйхат 1, йиғма жилд – 17, - 2 varaқ.
16. Немелов Н., Попов В. На переломе: экономической перестройки в СССР. – М.: Изд. АПН, 1998. – С. 44.
17. На пороге кризиса: нарастание застойных явлений в партии о обществе. – М.: Изд. Полит. лит., 1990. – С. 118.
18. РГАСПИ, ф. 17, оп. 153, д. 2450, л. 28-29.

19. Қаранг: // Совет Ўзбекистони. 1988, 24 апрель.
20. Қаранг: // Совет Ўзбекистони. 1989, 5 май.
21. Ўз МА Р- 2848, рўйхат 1, йиғма жилд – 17, 36 - варақ.
22. Укреплять партийную и государственную дисциплину, улучшать подбор и воспитание кадров // Партийная жизнь. – М., 1984. – № 14. – С. 21.

Юнусова Х. Э.

Д.и.н., профессор кафедры «История Узбекистана»

Национальный университет Узбекистана

Yunusovanuuz@mail.ru

СОСТОЯНИЕ И ПРОБЛЕМЫ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСКОЙ ССР (НА ПРИМЕРЕ 70-80-Х ГОДОВ 20 ВЕКА)

АННОТАЦИЯ

Сельское хозяйство Узбекской ССР играло значительную роль не только в экономике республики, но и в экономике Советского Союза в целом. Помимо того, что Узбекская ССР была основной хлопковой базой страны, она также производила фрукты, виноград, бахчевые и другую сельскохозяйственную продукцию. Однако народное хозяйство Советского государства характеризовалось такими пороками, как дефицит, разграбление государственной собственности и переоценка. Аналогичные инциденты происходили и за пределами Узбекской ССР, и в данной статье они описываются на основе первоисточников.

Ключевые слова: мокрые фрукты, социалистическая собственность, разграбление, ответственность, местное сырье, промышленные отходы, вспомогательный цех, стройматериалы, лакокрасочный цех, оптовый склад, мешок, полотенце, искусственная ткань, подсобные хозяйства, недовосстановление, перепись, комиссия, аудит, предприятия общественного питания, бухгалтерский учет, задолженность, безответственность, дисциплина.

Yunusova X. E.

DSc., professor at the department of «History of Uzbekistan»

National university of Uzbekistan

Yunusovanuuz@mail.ru

THE STATE AND PROBLEMS OF THE NATIONAL ECONOMY OF THE UZBEKISTAN SSR (ON THE EXAMPLE OF THE 70-80S OF THE 20TH CENTURY)

ABSTRACT

The agriculture of the Uzbek SSR played a significant role not only in the republic's but also in the national economy of the Soviet Union. The Uzbek SSR,

in addition to being the country's main cotton base, also produced fresh fruits, grapes, melons and other agricultural products. However, the Soviet state's national economy was plagued by shortages, looting of state property, and annexation. Similar problems existed in other regions of the Uzbek SSR, and are described in this article based on primary sources.

Keywords: wet fruit, socialist property, looting, responsibility, local raw materials, industrial waste, auxiliary workshop, building materials, paint shop, wholesale store, sack, towel, artificial fabric, auxiliary farms, shortage, overwriting, commission, audit, catering establishments, accounting, debt, irresponsibility, discipline.